

**«Рақамли авлод. COVID-19 пандемияси даврида инсон ҳуқуқлари  
бўйича таълим» мавзусидаги республика танловини ўтказиш  
тўғрисидаги**

**НИЗОМИ**

1. Мазкур Низом республика миқёсида ўтказиладиган «Рақамли авлод. COVID-19 пандемияси даврида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим» мавзусидаги республика танловини ўтказишнинг тартиби, ундаги номинациялар, ғолибларни аниқлашнинг мезонларини белгилайди.

2. Танлов Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этилганлигининг 25 йиллиги, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қабул қилинганининг 10 йиллиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллиги муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қилинган “2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастури доирасида инсон ҳуқуқлари ва тадқиқотчилигини рағбатлантириш орқали мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилган.

3. Танловнинг ташкилотчиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (кейинчалик – Ташкилотчи) ҳисобланади.

4. Танловни ўтказиш бўйича ҳамкорлар: Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти лойихалар координатори, Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти идоралари, Халқаро миграция ташкилоти ҳисобланади.

5. Барча йўналишдаги номинациялар бўйича танлов ғолибларини аниқлашда холислик, одиллик, шаффофликни таъминлаш ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш учун Танлов ташкилотчилари томонидан Танлов ҳайъати ташкил этилади.

6. Танловда номинациялар бўйича белгиланган мезонлар асосида барча жисмоний ва юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

7. Танлов қуйидаги номинацияларда ўтказилади:

– Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши инфографика;

– Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши видеоролик;

– Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши ўқув адабиётлари: босма ўқув адабиёт ва электрон ўқув адабиёти;

– Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши мақола: энг яхши илмий мақола ва энг яхши оммабоп мақола.

## **II. Номинациялар бўйича танловга тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар**

8. *“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши инфографика* номинациясида иштирок этиш учун, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг моҳиятини тушунтириш, ҳуқуқни қўллаш масалалари, шунингдек, турли тоифадаги фуқаролар учун, уларнинг ҳуқуқларини босқичма-босқич кўрсатмалар ва эслатмалар, каби визуал тарзда бажарилган маълумотлар қабул қилинади.

*Танлов ишларига қўйиладиган талаблар:*

инфографик ўлчам - А4 формати (297 \* 210 мм);

инфографик расмнинг файл формати - JPEG;

Инфографиканинг ранглар схемасида барча ранглар бўлиши керак (бу фон ёки алоҳида элементларни тўлдириш бўлиши мумкин, масалан зар, кўнғирок, чизик, шакл, белги ва бошқалар);

Ҳар бир иштирокчи ўзининг расмлари ва фотосуратларидан фойдаланиши мумкин;

YouTubeда инфографика мавзусига бевосита алоқадор турли хил видеолар, диаграммаларни, хариталарни жойлаштириш мумкин.

9. *“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши видеоролик”* номинациясида актёрлар жалб қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисида (танлов иштирокчилари ёки ташқаридан жалб қилинганлар) видеофильмлар; актёрларнинг ўйинларидан фойдаланмасдан овоз, видео кетма-кетликлари, анимацион компьютер графикаси, турли хил маҳсус эффектлардан фойдаланадиган инсон ҳуқуқлари соҳасига оид мавзу тўғрисида гапириб берувчи видеофилмлар қабул қилинади.

*Танлов ишларига қўйиладиган талаблар:*

видео - AVI форматида (муддати 90 секунддан ошмаслиги, субтитрлар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида);

Ҳар бир ролик алоҳида файл сифатида тақдим этилади.

10. *“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши ўқув адабиётлари: босма ўқув адабиёт ва электрон ўқув адабиёти”* номинациясида таълим муассасаларини, шунингдек, илмий тадқиқот институтларининг профессор-ўқитувчилари, инсон ҳуқуқлари соҳсидаги мутахассислар иштирок этиши мумкин:

*Танлов ишларига қўйиладиган талаблар:*

ўқув адабиёти таълимнинг тегишли босқичида, “Инсон ҳуқуқлари” фанини янги авлод адабиётлари талаблари доирасида янада бойитишга ёрдам бериши лозим;

инсон ҳуқуқлари соҳасида замонавий назарий ва амалий билимларни қамраб олган бўлиши лозим;

тегишли тартибда расмийлаштирилган ва ўқув жараёнига тавсия этилган ва икки йил давомида қўлланиб келинган (апробация) бўлиши керак;

инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар ва илғор ҳорижий тажрибани қамраб олиши билан бир қаторда инсон ҳуқуқлари соҳасида бой миллий тажрибани қамраб олиб, уларни уйғунлаштирган бўлиши лозим.

Танлов номинациясида электрон дарслик/қўлланма учун алоҳида, босма дарслик/қўлланма учун алоҳида танлов ўтказилади.

11. “*Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши мақола: энг яхши илмий мақола ва энг яхши оммабон мақола*” номинацияси икки йўналишда амалга оширилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий журналларда ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолалар қабул қилинади.

*Танлов ишларига қўйиладиган талаблар:*

мақоланинг мавзусини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб муаммога бағишланганлиги;

мақоланинг мазмуни, унинг мавзусига мувофиқлиги;

мақоланинг илмий аппарати ва илмий мусобаҳаси (*илмий мақола учун*);

мақолада кўтарилаётган муаммо ва унга таклиф этилаётган ечимлар;

мақоладаги ҳаётий мисоллар, уларни баён қилишдаги ўзига хос ёндашувлар, мустақил фикр ва қарашлар, хулосалар.

12. Танлов иштирокчиси ўзи иштирок этадиган номинацияни мустақил равишда танлайди.

13. Агар бирон-бир номинацияда Танловда иштирок этиш учун камида учта талабнома топширилган бўлса, Танлов ушбу номинацияда ўтказилмайди.

14. Агар Танловда иштирок этиш учун қайсидир номинация бўйича учта ва ундан кам ариза келиб тушган бўлса, ўша номинацияда танлов ўтказилмайди.

### **III. Танлов босқичлари**

15. Танлов бир турда ўтказилади.

16. Танлов 2021 йил 1 декабр гача ўтказилади.

17. Танловнинг исталган номинациясида иштирок этишни режалаштирган иштирокчилар танлов ишларини электрон шаклда 2021 йил 1 декабрдан кечиктирмай қуйидаги манзилга юборишлари керак: [konkurs2021@nhrc.uz](mailto:konkurs2021@nhrc.uz)

#### **IV. Мусобақани яқунлаш, танлов ғолиблари ва совриндорларини эълон қилиш ва тақдирлаш**

18. Ҳар бир тоифадаги ижодий ишларнинг сифати ўн балли мезон бўйича баҳоланади.

19. Номинациялар бўйича энг кўп балл тўплаган иштирокчилар танлов ғолиблари ҳисобланади. Танлов лауреатлари деб номинациялар бўйича иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган иштирокчилар тан олинади.

20. Совринлар сони: ҳар бир номинацияда 1 та биринчи ўрин, 1 та иккинчи ўрин, 1 та учинчи ўрин бўлиши мумкин.

21. Танлов ҳайъати танловнинг барча номинациялар бўйича натижаларини умумлаштиради, ҳар бир иштирокчи томонидан тўпланган баллар сонини кўрсатган ҳолда номинациялар бўйича протоколларни тасдиқлайди.

22. Танлов ғолиблари ва совриндорларини барча тоифалар бўйича тақдирлаш 2021 йил декабрь ойида “Халқаро инсон ҳуқуқлари куни”ни нишонлаш доирасида ўтказилади.

23. Ҳар бир йўналиш бўйича ғолибларга қимматбаҳо совғалар тақдим қилинади.

24. Танлов ҳайъатининг қарори билан ғолиб ва / ёки номинация ғолиблари аниқланмаслиги мумкин.

25. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган ишлар қайтариб берилмайди, тўланмайди ва кўриб чиқилмайди.

26. Танлов натижалари бўйича эътирозлар ва шикоятлар қабул қилинмайди.

27. Ташкилотчи танловнинг ҳар бир иштирокчисига 2022 йил февралгача рўйхатдан ўтиш вақтида кўрсатилган манзилга электрон шаклда Танловда қатнашганлик ҳақидаги Диплом/ Сертификатни юборади.

28. Ҳар бир номинацияда ғолиб бўлганлар фахрий дипломлар, кимматбаҳо совғалар ва ўз манбаларига тегишли баннерларни жойлаштириш ҳуқуқига эга бўладилар:

- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг “Инсон ҳуқуқлари соҳасида энг яхши инфографика” номинацияси ғолиби;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши видеоролик” номинацияси ғолиби;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши ўқув адабиёти” номинацияси ғолиби;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши электрон ўқув адабиёти” номинацияси ғолиби;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши илмий мақоласи” номинацияси ғолиби;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши оммабоп мақоласи” номинацияси ғолиби.

29. Ҳар бир номинациянинг лауреатлари фахрий ёрликлар тақдирланадилар ҳамда ўзларининг тегишли баннерлари ресурсларида бу ҳақда, қуйидагича жойлаштириш ҳуқуқига эга.

- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказининг “Инсон ҳуқуқлари соҳасида энг яхши инфографика” номинацияси танлови лауреати;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши видеоролик” номинацияси танлови лауреати;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши ўқув адабиёти” номинацияси танлови лауреати;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши электрон ўқув адабиёти” номинацияси танлови лауреати;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши илмий мақоласи” номинацияси танлови лауреати;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши оммабоп мақоласи” номинацияси танлови лауреати.

30. Танловда қатнашиш билан боғлиқ ҳаражатлар Танлов иштирокчиси томонидан мустақил равишда қопланади.